

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг халқаро ҳамкорлик бўйича проректори, техника фанлари доктори профессор Абдулҳаким Салоҳиддинов иштирокида, унинг ўзи битирган Наманган вилояти Косонсой туманидаги Абу-Райхон Беруний номи 1-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари ва ўқитувчилари билан "Китоб - ишончли дўст" мавзусида учрашув ва махсус тадбир ўтказилди.

Учрашувда туман халқ таълими бўлими вакиллари, Косонсой Транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи директори Исломжон Муминов, мактаб ўқитувчилари ҳамда юқори синф ўқувчилари иштирок этишди. Учрашувда сўзга чиққанлар китоб ва унинг шахс ҳамда жамият ривожигаги ўрни ҳақида ҳаётий мисоллар асосида қизиқарли фикрлар ва маслаҳатлар бердилар.

Ўқувчилар ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоблар олдилар. Учрашув сўнгда ТИҚХМИИ проректори мактаб кутубхонасига ва аълочи ҳамда иқтидорли талабаларга аниқ ва табиий фанларга оид, шунингдек, маънавий ва маърифий ва бадий йўналишлардаги қизиқарли китобларни топширди.



Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов